АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ТАДҚИҚИ БУГУНГИ АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ СИФАТИДА

А.Қосимов

Мақолада қиёсий адабиётшуносликнинг назарий асослари қисқача ёритилиб, бугунги кунда адабий алоқа масалаларини чуқур ўрганишнинг нечоғли дорлзарблиги, бунинг ҳозирги адабий жараёндаги кўплаб бадиий-эстетик ҳодисаларни англашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги асослаб берилган.

***Калит сўзлар**: адабий алоқа, қиёсий таҳлил, тарихий-типологик қиёслаш, тарихий-генетик қиёслаш, контакт-генетик алоқалар, типологик ўхшашлик*

В статье кратко изложены теоретические основы сравнительного литературоведения, показана актуальность всестороннего исследования вопросов литературных связей, что является одним из условий осознания художественно-эстетических явлений в современном литературном процессе.

***Ключевые слова**: литературные связи, сравнительный анализ, историко-типологическое сравнение, историко-генетическое сравнение, контактно-генетические связи, типологическое сходство.*

The article discusses the theoretical aspects of comparative literary studies and the author tries to stress the urgency of this subject in modern literary process which is treated as one of its conditions of realizing the literary-aesthetic phenomena.

***Key words**: literary relations, comparative analysis, historical-typological comparison, historical-genetical comparison, contact-genetic comparison, typological similarity.*

Мустақиллик йилларида кўплаб соҳалар қатори хорижий мамлакатлар тили, маданияти ва адабиётини ўрганишга ҳам қизиқиш ортди. Шиддат билан кечаётган кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон халқлари маданияти ва санъатини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқда.

Жаҳон халқлари маданий ва маънавий бойликлари билан танишиш ўз навбатида миллий меросимизни муносиб баҳолаш имконини беради. Бу борада адабиётларни қиёслаб ўрганиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, табиат ва жамиятда, асосан, такрорланувчи, бир-бирига ўхшаш ёки ўз табиати, тузилиши, моҳияти билан бир-бирига зид бўлган нарса, ҳодисалар қиёслаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол адабиётшунослик фани, хусусан, қиёсий адабиётшунослик учун ҳам бадиий-эстетик метод бўлиб қолмоқда. Адабиётлар ўртасидаги алоқалар, аввало, тарихий ҳодиса саналади. Академик Н.И.Конрад алоқаларнинг бир бутун адабий жараёндаги кўлами, роли, шунингдек, айрим халқларнинг адабиётлари тарихидаги моҳияти турли даврларда ва ҳар хил тарихий шароитларда турлича эканлигини таъкидлаган эди. Алоқаларнинг адабий жараёндаги турли шакл ва кўринишларини ўрганиш эса миллий адабиёт табиатини белгилаш учун зарур ҳолат саналади.

Маълумки, шарқнинг ғарб ёки ғарбнинг шарқ маданияти ва адабиётига мурожаат этиши ўзида шарқ-ғарб маънавий синтезини мужассам этган маданий жараённинг таркиб топишига сабаб бўлган. Бундай синтез дунёнинг барча халқлари маданиятига хос хусусият саналади. Маданий-адабий алоқалардаги ўзига хос анъаналар, сўнгги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган халқаро алоқалардаги фаоллик қиёсий адабиётшуносликка, хусусан, ўзаро алоқалар ҳамда таъсир назарияси, амалиёти масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу ўринда қиёсий адабиётшуносликнинг предмети, мақсад ва вазифалари ҳақида мутахассислар томонидан турли нуқтаи назарлар ўртага ташланганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Жумладан, А.Н.Веселовский адабиётшуносликка оид тадқиқотларнинг мақсади қиёслашда ва муқоясани имкон қадар кўпроқ фактларга татбиқ қилишда деб ҳисоблаб [1.69], турли даврларда ва халқларда яратилган эпик ижод намуналарини сюжет ўхшашликлари асосида таҳлил қилади [1.46]. В.Жирмунский эса

***А.Қосимов** – ФарДУ адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари доктори.*

инсоният ижтимоий-тарихий тараққиётидан келиб чиқиб, тарихий-адабий жараённинг бирлиги ҳақидаги концепцияни илгари суради. У қиёсий ўрганишнинг тўртта муҳим масаласи ва уларга мос равишдаги адабий алоқа шаклларига тасниф беради:

1. Ҳар қандай мукаммал қиёсий-тарихий таҳлилнинг асосини ташкил этувчи адабий ҳодисаларни оддий қиёслаш шакли (В.Жирмунский ушбу масалани тилшуносликдаги синхрон таҳлилга қиёс қилади).

2. Генетик жиҳатдан алоқада бўлмаган ўхшашликларни жамият тараққиётининг ўхшаш шароитлари орқали изоҳлашга хизмат қилувчи тарихий-типологик қиёслаш шакли.

3. Ўхшаш жиҳатларнинг генетик қардошлик маҳсули деб қарашга асосланган тарихий-генетик қиёслаш шакли.

4. Халқларнинг тарихий жиҳатдан яқинлиги ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларидан келиб чиқиб, генетик алоқаларни адабий ҳодисалар ўртасидаги маданий алоқалар, таъсир ҳамда ўзлаштирмалар асосида белгиловчи муқояса шакли [2.6-7].

Бир қанча мутахассислар В.Жирмунский таъриф берган учинчи ва тўртинчи алоқа шакллари деярли бир-бирини такрорлаши ва уларни бирлаштириш мумкинлиги ҳақида фикр билдирганлар. Хусусан, А.Дима қиёсий адабиётшуносликнинг вазифаси уч турдаги ҳодисаларни ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди [3.121]. Унга кўра, адабиётлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар (таржима, таъсир, ўзлаштирма); типологик ўхшашликлар (генетик қардошликда бўлмаган, лекин маълум бир мавзу, мифлар, образлар, жанрлар, ўхшаш адабий оқимларни тадқиқ этишда намоён бўлувчи); миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш соҳанинг асосий вазифаси саналади.

Д.Дюришин эса адабиётлараро алоқа шаклларини икки катта гуруҳга – контакт-генетик алоқалар ва типологик ўхшашликларга ажратади [4.102]. Д.Дюришиннинг ушбу таснифи ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги билан эътиборга моликдир.

Ҳозирда адабиётлараро алоқаларни ўрганиш тизимида типологик ўхшашликлар алоҳида ўрин тутади. Ўхшашликлар тўғридан-тўғри алоқалар мавжуд бўлмаганда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундай ўхшашликни асарларнинг бир хил ёки бир-бирига яқин тарихий-ижтимоий шароитларда яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. А.Бушмин таъкидлаганидек, типологик ўхшашликлар умумадабий тараққиёт қонуниятларининг ҳақиқий кўрсаткичи ҳисобланади [5.164].

Аслида типологик ўхшашликлардан ўзига хос бирликни қидириш қадимдан кўпчиликни қизиқтирган. Масалан, қадимги юнон адабиёти вакили Плутарх ўзининг «Қиёсий ҳаётномалар» асари билан типологик ўхшашликларни адабий жанр даражасига кўтарган деб хулоса қилиш мумкин. У қиёсий ҳаётномаларнинг 23 тасини тарихий ҳикоя схемаси асосида баён қилган. Асарда бири юнон, бири римлик бўлган Демосфен ва Цицерон, Перикл ва Фабий Кунктатор, Александр ва Юлий Цезарь, Алкивиада ва Кориолан каби тарихий шахслар ҳаёти қиёсланиб, улар ўртасидаги яқин ўхшашлик ва фарқли томонлар баён қилинади. Плутарх муқояса объекти қилиб ҳар қандай тарихий шахслар ҳаётини эмас, балки ўз ҳаёти, фаолияти билан бир-бирига ўхшаш ёки яқин жиҳатлари бор бўлган инсонларни олади.

А.Дима ўзининг «Қиёсий адабиётшунослик тамойиллари» номли рисоласида ғарбий Европа ҳаётидаги «қадимий» ва «янги» адабиёт вакиллари ўртасида 1683-1719 йиллари бўлиб ўтган баҳс ва тортишувларни қиёсий типологик услубдан фойдаланишга «уриниш» деб жуда тўғри баҳолайди. Тўғри, «қадимий» ва «янги» адабиёт вакиллари ўртасидаги баҳс илмий компаративизм ривожида муҳим босқич бўлган эмас. Шундай бўлса-да, бу ерда қиёсий типологик услубдан фойдаланишнинг ишончли намунасини кўрамиз. Чунки мухолиф томонлар вакилларининг бир қанча асарларида ҳар иккала даврнинг баъзи бир умумий жиҳатлари аниқланади.

Лекин XIX асрга келиб ғарб адабиётшунослигида қиёслаш услубидан деярли фойдаланилмади. Бу ҳодисани адабиётдаги методлар алмашинуви билан изоҳлаш мумкин. Бунда Сорбонна университетининг таниқли профессори Абель Франсуа Вильменнинг қиёслаш услубининг келажаги ҳақидаги скептик руҳдаги фикрлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Унинг фикрича, тадқиқотчи орадаги ўзига хосликни кўрсатиш учун кераксиз икир-чикирларга берилиб кетиши, шу билан бирга, ўхшашликларни қайд этиш истагида хусусиятларни нотўғри талқин қилиши мумкин. А.Ф.Вильменнинг мазкур хулосаси бадиий жараённи қиёслаб ўрганиш усули фақат бир томонлама талқин қилиниши натижасида келиб чиққан. Чунки қиёслаш усулига майда баёнчилик ва ҳатто сюжет, образ, пейзаж тасвирини тўғридан-тўғри кўчириб олиш ёки ўта «ўхшаб қолиш» хавф солиши мумкин.

XX аср ўрталарига келиб илмий доираларда қиёсий типологик тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи фикрларнинг билдирилиши (Масалан, Леон Сельенинг «Параллеллар зиддияти» мақо-

ласи) унутилаётган услубнинг яна тикланишига ёрдам берди.

Аслида типологик тадқиқотлар ўхшаш адабий ҳодисаларнинг жанр, услуб, қаҳрамон танлови масалаларига кўпроқ эътибор қаратганлиги билан адабиёт назариясининг мақсад ва вазифаларига мос келади. Мана шу нуқтаи назардан типологик тадқиқотларда нафақат ўхшаш адабий ҳодисаларни аниқлашга, балки муқояса объектлари ўртасидаги ўзига хос, оригинал бадиий ечимларнинг негизига кўпроқ эътибор қаратиш зарур бўлади.

Бизнингча, нафақат модернистик, балки реалистик ва бошқа йўналишлардаги ижод намуналарининг ўзбек адабиёти мазмун-мундарижаси ҳамда ифода йўсинига кўрсатган, кўрсатаётган таъсирини ўрганиш ўзбек қиёсий адабиётшунослигининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Лекин ҳар қандай адабий таъсир кўриниши тўғридан-тўғри тақлид бўлмай, ўз миллий адабиёти анъаналари ҳамда ёзувчи ижоди ўзига хосликларига асосланган ва қисман трансформациялашган ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун қиёсий адабиётшуносликда таъсир натижасидаги ўхшашликкина эмас, орадаги фарқ ва ўзига хослик ҳам муҳимдир.

Таржимани ҳам адабий алоқанинг бир шакли деб қарар эканмиз, уни аввало бадиий-эстетик тафаккур ривожига кўрсатган ва кўрсатиши мумкин бўлган таъсири нуқтаи назаридан баҳолашимиз лозим бўлади. Бунда таржима сифатининг аслиятга мослик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода сўнгги 10-15 йил давомида ўзбек таржимонлари томонидан амалга оширилган таржималар алоҳида ўрганишни тақозо этади. Бу бизга бошқа (қиёсланаётган) адабиётнигина эмас, ўз адабиётимизни ҳам яхшироқ англашга, унинг нозик жиҳатларини илмий-эстетик таҳлил қилишга ёрдам беради.

Маълумки, жаҳон халқлари ўртасида тарихан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқалар, ижобий ўзлаштиришлар мавжуддир. Шунинг учун ҳам бу жараённи таҳлил қилиш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди, балки мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий соҳаларда интеграция авж олаётган XXI асрда янада муҳим ҳисобланади. Қиёсий адабиётшуносликда эса тўғридан-тўғри ёки контакт алоқалар миллий адабиётлар ёки маълум бир давр адабий жараёнига кўрсатадиган реал таъсири жиҳатидан марказий ўрин эгаллайди.

Умуман, қиёсий адабиётшунослик, жаҳон адабий жараёнини таҳлил этиш билан бирга, миллий адабиётларнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш ҳамда маданиятлараро мулоқот асосларини белгилашга хизмат қилиши билан долзарб соҳа ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Веселовский А.Н. Собр.соч.. Т.8. В.1. – Петербург, 1921.

2. Жирмунский В.М. Эпическое творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса. -М.: Изд-во АН СССР, 1958.

3. Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. - М.: Прогресс, 1977.

4. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литератур. - М.: Прогресс, 1979.

5. Бушмин А.С. Наука о литературе. - М.: Современник, 1980.

2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)